

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.41/30.04.2021.Т.131.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**САДИЕВ ФАРҲОД ФАТУЛЛОЕВИЧ**

**БИОЛОГИК ВА КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ СИРДАРЁ  
ВИЛОЯТИДАГИ ҚИЙИН ЎЗЛАШТИРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИ ТУЗ  
ТАРТИБИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

**06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФАРАТИ**

**Тошкент–2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Садиев Фарход Фатуллоевич**

Биологик ва кимёвий препаратларнинг Сирдарё вилоятидаги қийин  
ўзлаштириладиган тупроқлари туз тартибига таъсирини ўрганиш ..... 3

**Садиев Фарход Фатуллоевич**

Исследование процессов рассоления трудномелиорируемых почв  
Сырдарьинской области при использовании биологических и  
химических препаратов . 25

**Sadiev Farhod Fatulloevich**

The study of the desalinization of difficultly reclaimed soils of the Syr Darya  
region using biological and chemical preparations 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 49

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.41/30.04.2021.Т.131.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**САДИЕВ ФАРҲОД ФАТУЛЛОЕВИЧ**

**БИОЛОГИК ВА КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ СИРДАРЁ  
ВИЛОЯТИДАГИ ҚИЙИН ЎЗЛАШТИРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИ ТУЗ  
ТАРТИБИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

**06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФАРАТИ**

**Тошкент–2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Г1253 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ismiti.uz](http://www.ismiti.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим тармоғида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рамазанов Абит Рамазанович**  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Икрамов Рахимджан Каримович**  
техника фанлари доктори, профессор  
**Ишчанов Жавлон Курбанбаевич**  
PhD, доцент в.б

**Етакчи ташкилот:**

**UzGIP** масъулияти чекланган жамияти

Диссертация ҳимояси Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.41/30.04.2021.T.131.01 рақамли илмий кенгашнинг « 7 » 01 2022 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100187, Тошкент, Қорасув-4 мавзеси, 11-уй. Тел: (99) 434-43-28, e-mail: [ismiti@minwater.uz](mailto:ismiti@minwater.uz)).

Диссертация билан Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 4 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100187, Тошкент, Қорасув-4 мавзеси, 11-уй. Тел: (99) 434-43-28.

Диссертация автореферати 2021 йил « 24 » 12 куни тарқатилди.  
(2021 йил « 24 » 12 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



**И.Э. Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**У.А. Садиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

**Б.К. Солиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда зичлашган тупроқлар Европа мамлакатларида ҳам, арид иқлимли мамлакатларда ҳам кенг тарқалган. Дунё бўйича гипслашиш ҳисобига зичлашган тупроқлар тахминан 200 миллион гектарни ташкил этади, улар асосан қурғоқчил зонада жойлашган. Тупроқларнинг гипслашиши одатда юқори даражадаги шўрланиш билан бирга учрайди, шунинг учун бундай тупроқларнинг унумдорлиги паст бўлади.

Бундай ерлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг янги, замонавий ёндашувларини ишлаб чиқиш, қурғоқчил ҳудудларни сув билан таъминлаш, мелиоратив тадбирларининг мураккаблиги ва харажатларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг имкониятлари ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, экологик тоза камроқ сув ва ресурсларни талаб қилидиган технологиялар, шу жумладан биологик ва кимёвий мелиорациянинг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан, шўрланган гипсли суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган усул ва технологияларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда аҳоли ва мамлакатларнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг турғунлиги уларнинг иқтисодий ва сиёсий барқарорлиги энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Тупроқнинг деградацияси инсониятга катта иқтисодий зарарларни ва таҳдидларни келтириб чиқаради. Турли мамлакатларда тупроқ деградациясининг турли шакллари учрайди, улар мелиорация турларини белгилайди. Шўрланган ва гипсли тупроқларнинг унумдорлигини ошириш бўйича самарали чораларни танлаш, вегетация ва новегетация даврларида мелиоратив тадбирларни амалга оширишни тақазо этмоқда. Шу жиҳатдан, тупроқ унумдорлигини ошириш, шу жумладан уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш кўплаб мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда республикамызда мелиоратив ҳолатни яхшилаш ва суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация иншоотлари тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга жадал усулларни, биринчи навбатда замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни кенг жорий этиш, юқори маҳсулдор қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш»<sup>1</sup> бўйича вазифалар белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, шўрланган ва гипслашган (қийин мелиорация қилинадиган) ерларнинг унумдорлигини оширишнинг самарали усуллари бўйича янги технологияларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17-июндаги ПФ-5742-сонли "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги " ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Фармони.

чора-тадбирлари тўғрисида"ги қишлоқ хўжалиги ерларининг деградациясини олдини олиш ва сезиларли даражада камайтириш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини назарда тутувчи Фармони; 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли "Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5005-сонли 2021 йил 24 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг V. "Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижда шўрланган ва зичлашган тупроқларни яхшилаш учун замонавий технологиялар сифатида мелиорантларни қўллаш бўйича: Ganjgunte G., Clark J. (АҚШ), Cardon G.E. (АҚШ), Maas, E.V. and Hoffman, G.J. (АҚШ) ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган. Delroy & Bowden (Австралия), Schmidt (АҚШ), Tennant (АҚШ), Зайдельман Ф.Р.(РФ) лар ушбу технологиялар билан тупроққа чуқур юмшатиш билан бирга бошқа тадбирлар кўринишидаги яъни физик таъсир кўрсатишини ўрганган бўлса, J.G. Davis, D.Whiting (АҚШ), G.Taddese (Эфиопия) лар эса кимёвий таъсирини ўрганган. Дунёда тупроқ кондиционерлари деб номланадиган тупроқларнинг хоссаларини яхшиловчи кимёвий (ноорганик ва органик) препаратларнинг ҳар хил турлари ишлаб чиқилган. Улар шўрланган тупроқларнинг тузилишини яхшилади, тузларнинг ишқорланишини тезлаштиради ва озуқавий моддаларни чиқариш ҳисобига, экинлар ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда қийин мелиорацияланадиган шўрланган ва гипслашган ерларни тузсизлантириш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқотлар билан В.М. Легостаев, В. Сафонов, Р. И. Паренчик, А.Р. Рамазанов, Х.И. Ёқубов, Б.Г. Остроброд, Г.Климова, В.Д. Лим, Х.Х. Каримов, З.М. Мамйрбаева, И. Г. Курбонов, Ғофур Ибрагим Фаттах, Б. Ғофуров, Н.Ф.Беспалов, А. Мадиев, Ф.Н. Габдракипов, А. Каримов, Е. Шерматов, Н. Панаев, А.В. Шуравилин, Н.Г. Минашина, Л.Л.Шишов, Г.Г.Решетов, М. Авлакулов, Ю.И. Широкова, Б.Б.Охунова ва бошқа олимлар шуғулланишган.

Ўзбекистон Фанлар академиясида шўрланган тупроқларда ҳам экинларни етиштириш шароитларини яхшилаш учун: Rizokom-1 (муаллифлар Г. Жуманиёзова, Х. Нарбаева Микробиология институти, ЎзРФА) биопрепарати; ҳам Биосолвент десоленизатор препарати (муаллифлар А. Тўраев, И. Худайназаров биоорганик кимё институти) мелиорант препаратлар яратилган. Тупроқ ва экинларнинг ҳосилдорлигига

препаратларининг таъсирини синовдан ўтказиш уларни амалда кенг қўллаш учун асос бўлиши мумкин.

Шу сабабли кучли шўрланган, зичлашган (қийин мелиорацияланадиган) тупроқлар мелиорацияси технологиясини замонавий ресурс ва техник имкониятларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарур, шунингдек тупроқ мелиорантлари бўйича янги маҳаллий ишланмалар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг КХА-7-008-2015 «Сирдарё вилоятининг шўрланган тупроқларида, шўрланишга чидамли ўсимликлар ва биопрепаратларнинг (тупроқ ва сув-сувни тежаш) мелиорацияловчи таъсирини тадқиқ қилиш» (2015-2017), ҚХ-А-ҚХ-2018-288 “Республиканинг танланган минтақаларида деградацияга учраган тупроқ-мелиортив шароитни комплекс ўрганиш (шўрланиш, ботқоқланиш) мелиоратив ҳолати оғир бўлган, сув тежаш ва экологик - мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг янги такомиллаштирилган технологияларини ишлаб чиқиш” (2018-2020) мавзуларидаги тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тупроқ ва ўсимликларга маҳаллий, экологик хавфсиз бўлган, биологик ва кимёвий препаратларнинг мелиоратив ва сув тежовчи таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ғўзани вегетатив суғоришда ва ернинг шўрини ювишда тупроқни шўрланишини камайтиришда Биосолвент препаратини қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш;

Rizokom-1 биопрепаратидан фойдаланишнинг мелиоратив баҳолаш кўрсаткичларини такомиллаштириш ва аниқлаштириш;

сув танқислиги шароитида қийин ўзлаштириладиган тупроқларнинг туз режимини тартибга солиш ва комплекс мелиоратив ҳолатга келтиришнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш;

мелиорациянинг қийин ўзлаштириладиган тупроқлар хусусиятларига таъсирининг моделини, ҳосилни башоратлаш усулини ва илмий асосланган шўрланган тупроқларнинг унумдорлигини оширишнинг, сувни тежаб, шу жумладан янги препаратларни қўллаб, самарали усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** Сирдарё вилоятининг шўрланган ва гипслашган ҳосилдорлиги паст тупроқлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** агро-мелиоратив тадбирлар: юмшатиш, шўр ювиш, биологик ва кимёвий мелиорантларни қўллаган ҳолда қийин мелиорацияланадиган тупроқларни комплекс мелиорациялаш технологияси ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари** – лаборатория ва дала тадқиқотлари, тупроқ, сув препарат ва шўр ювилишидан филтрланган намуналарнинг лаборатория таҳлиллари. Маълумотларни статистик ва график қайта ишлаш, эмпирик боғлиқликлар, тупроқдаги туз ювилиши жараёнларининг қонуниятлари ва

тупроқ хоссаларига агромелиоратив усуллар таъсирининг миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш, башоратлаш услуги ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

тупроқни шўрланишини камайтиришда ғўзани вегетатив суғоришдан ва ернинг шўрини ювишдан олдин тупроқ юзасига Биосолвент препаратининг эритмасини пуркаш орқали препаратни қўллаш технологияси ишлаб чиқилган;

Rizokom-1 биопрепаратидан чигитни ивитиб экишда фойдаланишнинг тупроқ намлигини узоқ вақт сақлаш, шўрланишни камайтириш ва ғўза ҳосилдорлигини ошириш кўрсаткичлари бўйича мелиоратив самарадорликни баҳолаш такомиллаштирилган;

ерни чуқур юмшатиш ва Биосолвент препаратини қўллаган ҳолда, сув ресурслари чекланган шароитда қийин ўзлаштириладиган тупроқларни комплекс мелиорация қилиш ва туз режимини тартибга солиш технологияси ишлаб чиқилган;

Биологик ва кимёвий мелиорациянинг қийин ўзлаштириладиган тупроқлар хусусиятларига таъсирининг тизимли-назарий модели ва ҳосилни башоратлаш усули, Rizokom-1 ва Биосолвент препаратларидан фойдаланган ҳолда, сувни тежаш билан бирга шўрланган тупроқларнинг унумдорлигини оширишнинг илмий асосланган самарали усуллари технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

шўр ювиш, суғориш ва ерни чуқур юмшатишда Биосолвент препаратидан фойдаланилганда тупроқни тузсизлантириш ва сувни иқтисод қилишнинг миқдорий кўрсаткичлари, фойдаланиш технологияси, қонуниятлари аниқланган;

маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган препаратлар: Rizokom-1 биопрепарати ва Биосолвент десоленизаторидан фойдаланиш инновациялари ҳисобига мелиоратив ноқулай (шўрланган ва гипслашган) ерларнинг тупроқ унумдорлигини ошириш ва тиклаш технологиялари такомиллаштирилган;

тупроқ шўрланишини камайишини, сувни иқтисод қилишни ва пахта хосилининг ошишини таъминловчи технологиялар ва қийин мелиорацияланадиган ерларни тиклашнинг самарали усуллари бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** методологик ёндашувлар (вариантлар ва тажриба қайтариқлари) ва тадқиқот усуллари асосланганлиги билан тасдиқланади. Тадқиқот натижалари тажрибавий усул ва уларга математик статистик ишлов бериш усуллари ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий, янги препаратлар Rizokom-1 биопрепарати ва Биосолвент десоленизаторларини қўллашнинг мелиоратив самарадорлигини экспериментал асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тузларнинг ювилишини кучайтиришни: шўр ювиш даврида 40 фоизгача, вегетатив суғоришлар ўтказилганда 18-23 фоиз, дастлабки юмшатиш бажарилганда 46 фоизга оширишни таъминлайдиган Биосолвент препаратини қўллаш технологиясини



ишлаб чиқишдан иборат. Вегетацион суғоришда Биосолвентдан фойдаланиш пахта ҳосилдорлигини гектарига 7,4 центнерга ошириш имконини беради. Кучли шўрланган тупроқлар шўрини ювишда 2000 м<sup>3</sup>/га, вегетация даврида эса 1000 м<sup>3</sup>/га сув ва кейинги шўр ювиш вақтида 2000 м<sup>3</sup>/га сув тежаллади. Агромелиоратив тадбирлар (юмшатиш, шўр ювиш, суғориш) ва кимёвий мелиорация билан биргаликда асосланган шўрланган гипслашган тупроқларни комплекс мелиорациялаш технологиясини такомиллаштириш билан изохланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Биологик ва кимёвий препаратларнинг Сирдарё вилоятидаги қийин ўзлаштириладиган тупроқлари туз тартибига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида:

Мирзаобод ва Ховос туманлари худудида шўрланиш ва тупроқнинг бошқа хоссалари ўзгаришининг миқдорий кўрсаткичлари ҳамда ғўза ҳосилдорлигини ошириш аниқланди. Тадқиқот натижалари Қуйи Сирдарё Ирригация тизим ҳавза бошқармасида жорий қилинди (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 январдаги 04/25-281-сон маълумотномаси). Натижада, ғўза чигитини Rizokom-1 биопрепарати билан ивитиб экилганда оддий амалиётдаги усулга нисбатан тупроқ ва ўсимликка ижобий таъсир қилиб тупроқ намлигини узокроқ, яъни массага нисбатан 2,4 фоизгача ушлаб туради;

тупроқдаги рН миқдорини 0,1 – 0,6 га камайтиради; Биосолвент препаратининг 10 фоизли эритмаси билан сув беришдан олдин тупроқ юзасига ишлов берилганда тупроқнинг шўрини ювиш меъёри 2000 м<sup>3</sup>/га бўлганда, тузларнинг ишқорсизланишининг кучайиши: хлор 35...42 фоизга, сульфат 13...16 фоизга, кальций 21...28 фоизга, натрий 21...23 фоизга; эгатлаб биринчи вегетацион суғоришда захарли тузлар миқдори 18 - 23 фоизга (Cl<sup>-</sup>; SO<sup>2-</sup><sub>4</sub> ва Са ионлари эса 17; 18 ва 14 фоиз ва ундан кўпроқ) камаяди. Вегетация даврида тупроқнинг илдиз қатламида туз режимининг яхшиланиши ҳисобига ғўза ҳосилдорлиги 7,5 ц/га га ошиш имконини берди;

агромелиоратив (юмшатиш, шўр ювиш, суғориш) ва кимёвий мелиорациянинг комбинациясига асосланган шўрланган гипсли тупроқларни комплекс мелиорациялаш технологиясидан фойдаланишнинг таъсири ОАЖ ҚК «БЕК CLUSTER» фаолиятига жорий қилинди (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 январдаги 04/25-281-сон маълумотномаси). Натижада, тупроқни эрта баҳорда 70 см чуқур шудгор қилинганда: тупроқнинг зичлиги 1,60 г/см<sup>3</sup> дан 1,20-1,36 г/см<sup>3</sup> гача камайтиди; шўр ювиш меъёри 4000 м<sup>3</sup>/га бўлганда кучли шўрланган тупроқларнинг майдони 46 фоизга (70 см қатлам) камайтиди, бунинг натижасида катта меъёрлар билан шўр ювишнинг олди олинади. Юқори даражада шўрланган тупроқларни чуқур юмшатишда вегетацион суғоришдан олдин эгатларга Биосолвент билан ишлов бериш натижасида тупроқ таркибидаги умумий тузлар миқдорини икки баравар пасайтириш ва хлорни 90 фоизгача ювиб чиқариш имкони яратилди;

шўрланган тупроқларда Rizokom-1 биопрепарати билан чигит ивитиблиб экилганда, экиннинг илдиз қатламида микробиологик муҳитнинг яхшиланиши ва Биосолвент десоленизаторининг 10 фоизли эритмасини ғўзани суғоришдан

олдин эгатга сепиш ҳисобига, тупроқнинг илдиз қатлаидан зарарли тузларни чиқариб ташлаш (ишқорсизлантириш)ни кучайтириш Ховос туманидаги «Элмурод Элбек» фермер хўжалиги, «Пахтакор» СИУда (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 январдаги 04/25-281-сон маълумотномаси) жорий қилинди. Натижада, Rizokom-1 биопрепарати ғўза хосилдорлигини 6,0 ц/га ва Биосолвент препарати эса 7,5 ц/га га ошириш имкониятини яратди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий-техник, шу жумладан 7 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий мақола чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 6 та, жумладан 3 та Республика ва 3 та хорижий журналларда ва битта тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Бажарилган тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қийин мелиорацияланадиган: кучли шўрланган ва гипслашган тупроқларни ўзлаштириш тадбирлари бўйича илмий тадқиқот ишлари натижаларининг аналитик таҳлили”** деб номланган биринчи бобида ХХ асрнинг 70-80 йилларида бажарилган шўр ювиш, ерни чуқур ҳайдаш, вақтинчалик зовурлардан фойдаланиш, кимёвий мелиорантларни киритиш ва бошқа агрометриоратив тадбирлар ёрдамида қийин мелиорацияланадиган шўрланган ва гипслашган ерларни тузсизлантириш самарадорлигини ошириш бўйича адабиётлар таҳлили бажарилган. Ушбу мавзуга оид кўплаб тадқиқот ишлари, В.М. Легостаев, В.Сафонов, Р.И.Паренчик, А.Р.Рамазанов, Х.И.Якубов, Б.Г.Остроброд, Г.Климова, В.Д.Лим, Х.Х. Каримов, З.М. Мамырбаева, И.Г. Курбонов, Гафур Ибрагим Фаттах, Б.Гафуров, Н.Ф.Беспалов, А.Мадиев, Ф.Н.Габдракипов, А.Каримов, Е.Шерматов, Н.Панаев, А.В. Шуравилин, Н.Г. Минашина, Л.Л.Шишов, Г.Г.Решетов, М. Авлакулов, Ю.И.Широкова, М.З.Юлдашев, У.Норкулов каби олимлар томонидан олиб борилган.

Ушбу ишларда чуқур юмшатиш даражасида ерларни капитал шўрини ювишнинг алтернативи сифатида шўрланган ерларга мелиоратив таъсир

кўрсатадиган, ерларни эрта баҳорги чуқур ҳайдашни, ҳамда замонавий биологик ва кимёвий препарат мелиорантлардан фойдаланиш масалалари яхши ўрганилган. Ҳозирги кунга келиб, шўрланган тупроқларнинг хоссаларини яхшилаш учун препаратларнинг ҳар хил турлари ишлаб чиқилган (J.G. Davis ва D. Whiting, 2018). Шўрланган тупроқлар учун препаратлардан SperSal 35, Стоп-Сал, NON SAL каби полималеин кислотаси мавжуд бўлган туз корректорлари тавсия этилади. Тадқиқот натижаларига кўра, ушбу препаратлар тузларнинг ювилишини тезлаштиради, суғориш самарадорлигини оширади; озуқа моддаларни чиқариш йўли орқали қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширади ва фойдаланиш жиҳатидан содда, экологик тоза ва биологик парчаланаяди.

Адабиётлар таҳлилига кўра, замонавий ресурс ва техник имкониятларни ҳамда, ҳали етарли ўрганилмаган тупроқ мелиорантлари бўйича янги илмий ишланмаларни ҳисобга олиб, кучли шўрланган, зичлашган (қийин мелиорацияланадиган) тупроқларнинг комплекс мелиорация технологияларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни олиб бориш шартлари ва услуби”** деб номланган иккинчи бобида тажриба ишлари олиб борилган тадқиқот объектларнинг табиий, иқлим, тупроқ шароитлари, сув хўжалик ва мелиоратив тавсифлари, ҳамда тадқиқот услублари баён қилинган. Тажриба жараёнида сувни иқтисод қилувчи ва тупроқ шўрланишини пасайтирилишини таъминловчи маҳаллий ишлаб чиқарилган иккита препарат Rizokom-1 ва Биосолвентларнинг таъсири ўрганилди. Тадқиқотлар Сирдарё вилоятида олиб борилди. Тажриба участкалари Сирдарё вилоятининг Мирзаобод ва Ховос туманларида жойлашган. Тупроқнинг механик таркиби бўйича бир таркибли, орасида қумлоқ қатламчаларига эга енгил қумоқлар учрайди. Участка тупроқларининг алоҳида нуқталари бўйича шўрланиши (ўртача 0-100 см қатламда) 4 дан 18 dS/m гача ўзгариб туради. Ховос туманида тупроқлар енгил ва ўрта қумоқ, орасида қумли ва қумлоқ қатламчаларга эга ва таркибида гипс (гипснинг миқдори 10 дан 50 фоизгача) мавжуд, шўрланиши 7,5 дан 30,6 dS/m гача ўзгариб туради.

Биологик ва кимёвий препаратларни синовдан ўтказишнинг босқичма-босқич шаклдаги услуби ишлаб чиқилди: а) лаборатория колонкалари, б) вегетацион Вагнер идишлари, в) дала тадқиқотлари. Бундай ёндашув препаратларнинг тупроққа (намлик, шўрланиш, кимёвий таркиби, микроэлементлари, микроорганизмлари, НРКни ялпи ва кўчма шаклларида) сифат ва миқдор жиҳатдан таъсирини аниқлаш имкониятини беради. Қабул қилинган схема бўйича шўрланган тупроқлар ва ҳосилдорликка Rizokom-1 препаратининг таъсири ва Биосолвент препарати шўр ювишда ва эгатлар бўйича вегетацион суғоришда тузларни ишқорсизлантиришга таъсири босқичма-босқич ўрганилди. Тажрибалар умум қабул қилинган услублар бўйича учта қайтариқда олиб борилган, тупроқ таҳлиллари шўр ювиш ва суғоришлардан олдин ва кейин, тупроқнинг тўлиқ сувли сўрими, фенологик кузатувлар ПСУЕАИТИ ва Доспехов услуби бўйича бажарилди, маълумотларга Стъудент услубида статистик ишлов берилди.

I. Колонка ва вегетацион Вагнер идишларида тупроқ шўрини ювишни (ЕСе бўйича 6 дан 10 dS/m гача) моделлаштириш бўйича лаборатория тажрибалари:

1-тажриба. ЕСе = 6,92 dS/m бўлган шўрланган тупроқни 2 фоиз ва 10 фоиз концентрацияли Биосолвент эритмаси билан 1000 м<sup>3</sup>/га ҳажмда дистирланган сув билан шўр ювиш;

2-тажриба. ЕСе=9,88 dS/m бўлган шўрланган тупроқни 0,2 фоиз, 1 фоиз ва 2 фоиз концентрацияли Биосолвент эритмаси билан 500 м<sup>3</sup>/га сув ҳажмда дистирланган сув билан шўр ювиш;

3-тажриба. Назорат вариантыда 6 дан 10 dS/m гача бўлган шўрланган тупроқни вегетацион Вагнер идишларида 1500 м<sup>3</sup>/га сув ҳажмда дистирланган сув билан тупроқнинг шўрини ювиш.

II. Тупроқ шўрини ювишда ва вегетацион суғоришда тупроқни Биосолвент препарати билан (сув билан 1:10 нисбатда) даслабки ишлов бериб тузларни ишқорсизлантиришни ўрганиш бўйича дала тадқиқотлари олиб борилди:

- ЕСе бўйича тупроқ шўрланиши 10 dS/m гача шўрланган тупроқни ўлчами 20x20 м бўлган полларда 2000 м<sup>3</sup>/га сув меъёри билан қишки-баҳорги шўр ювишда Биосолвентнинг таъсирини ўрганиш;

- шўрланган тупроқларда (ЕСе бўйича 5,5 дан 8,6 dS/m гача) ғўзани эгатлаб суғоришда Биосолвентни қўллаш. Назорат вариант - ғўзани эгатлаб суғориш. Кучли шўрланган ҳайдалган тупроқларда: 1-ғўзани эгатлаб суғориш; 2-шўр ювиш ва 3-ёғингарчиликлар билан тупроқни тузсизлантиришда Биосолвентни қўллашнинг дала синовлари бажарилди.

III. Чигитни экишдан олдин Rizokom-1 биопрепаратида ивитиб колонкаларда, вегетатив идишларда (намлик ва тупроқ шўрланиши) ва дала шароитларида (тупроқ шўрланиши динамикаси ва ғўза ҳосили) шўрланиши ЕСе бўйича 6 дан 10 dS/m гача тупроқларга ва ҳосилга таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар ўтказилди.

IV. Фонд материалларидан фойдаланиб, айрим тадбирлардан тупроқ хусусиятларнинг ўзгариши, микдорий чегараларини аниқлаш ва тупроқларга агромелиоратив тадбирлар ва кимёвий мелиорация таъсирининг тизимли-назарий моделини ишлаб чиқиш амалга оширилди. Мелиоратив тадбирларни қўллашда ғўза ҳосилдорлигини башоратлаш услубини ишлаб чиқиш ва материалларни таҳлил қилиш ва статистик қайта ишлаш асосида эмпирик тенгламалар олинди.

V. Тадқиқот натижалари ва ерларни ўзлаштириш тажрибаларини умумлаштириш асосида – қийин ўзлаштириладиган тупроқларни комплекс яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот натижалари”** деб номланган учинчи бобида ўтказилган тажрибалар бўйича натижалар муҳокамаси ва маълуматлар таҳлил қилинди.

Бу бобнинг биринчи қисмида лаборатория ва колонкаларда шўр ювишни моделлаштириш натижалари кўрсатилган.

Тажрибада фойдаланилган Биосолвент эритмалари кислотали муҳитга эга бўлиб, эритма 2 фоизли қилиб тайёрланганда рН миқдори 2,3 га тенг бўлди, 10 фоизли эритмасида эса рН миқдори 1,9 га тенг бўлди.

Биосолвент эритмаларидаги тузларнинг умумий миқдори препаратни 2 фоизли қилиб тайёрлаганда 1,56 г/л га тенг, 10 фоизли эритмада эса 2,68 г/л.

Шўр ювиш натижасида ҳосил бўлган фильтратларда қуйидагиларга аҳамият берилди: назорат вариантыда фильтратдаги умумий тузлар миқдори 5,763 г/л га тенг, Биосолвент препаратини 2 фоизли эритмасида фильтратдаги тузлар миқдори 7,740 г/л га эга бўлди, 10 фоизли эритмасида нисбатан ишқорли ва концентратлашган полимер тупроқнинг қаттиқ фазасини парчалайди, натижада фильтратдаги тузлар миқдори 23,431 г/л га тенг бўлди.

Эритма кўринишида берилган Биосолвент препаратининг самарадорлиги назорат вариантыга нисбатан фильтратларнинг кимёвий таркибида ўз аксини топди. Шундай қилиб, Биосолвентдан фойдаланилган вариантда кальций, магний, натрий ва калий ионларининг фильтратдаги миқдори назорат вариантыга нисбатан юқори бўлди ва препарат концентрацияси ошган сари уларнинг миқдори ошиб борди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Фильтратларнинг кимёвий таркибига препаратнинг турли концентрацияларининг таъсири

т/р	Тажриба варианты Фильтрат ҳажми, мл	рН	ЕС, dS/m	Фильтратдаги моддаларнинг миқдори, г/л								
				Тузлар йиғиндиси	$HCO_3^-$ 3	$Cl^-$	$SO_4^{2-}$ 4	$Ca^{2+}$	$Mg^{2+}$	$Na^+$	$K^+$	
1	Назорат 264	7,2	6,3	5,76	0,08	0,88	4,68	0,42	0,77	0,48	0,03	
2	Р-1 (2 фоиз) 280*	7,1	7,5	7,74	1,33	0,80	4,04	1,20	1,24	0,53	0,04	
3	Р-2 (10 фоиз) 256**	6,2	10,5	23,43	0,32	1,23	2,19	6,43	1,84	0,54	0,05	
4	Тажриба/назорат натижаларининг нисбати	Р-1	<b>1,0</b>	<b>1,2</b>	<b>1,3</b>	<b>16,6</b>	<b>0,9</b>	<b>0,9</b>	<b>2,9</b>	<b>1,6</b>	<b>1,1</b>	<b>1,3</b>
		Р-2	<b>0,9</b>	<b>1,7</b>	<b>4,1</b>	<b>4,0</b>	<b>1,4</b>	<b>0,5</b>	<b>15,3</b>	<b>2,4</b>	<b>1,1</b>	<b>1,7</b>

Препаратдаги модда\*-2,8 г/л; \*\*19,8 г/л.

Препаратнинг концентрацияси 10 фоиз бўлганда (эритма кўринишида берилганда) фильтратнинг ишқорлиги 6,2 га эга бўлган, 2 фоизли бўлганда эса назорат вариантыдан фарқ қилмаган. Фильтрат орқали тузларни олиб чиқилиши ЕС кўрсаткичлари бўйича эритма концентрацияси 2 фоиз бўлганда, назоратдагига нисбатан 20 фоизга кўпроқ бўлди, 10 фоизли эритмадан фойдаланилганда 70 фоизга кўпроқ бўлди. Фильтратнинг кимёвий таркибига препаратнинг нисбатан катта таъсири кальций бўйича рўй берди: препаратнинг концентрацияси 2 фоиз бўлганда, тупроқ таркибидан фильтрат билан бирга назорат вариантыга нисбатан 3 баробар кўпроқ кальций (10 фоизли концентрация бўлганда 15 баробар кўпроқ) олиб чиқиб кетилди. Магний ва умумий туз миқдори бўйича уларнинг қиймати: назорат вариантыга нисбатан  $Mg^{2+}$ - 1,6 (ва 2,4) баробар кўп бўлди; тузларнинг умумий миқдори – 1,3 (ва 4,1) баробарни ташкил этди. Фильтрат таркибидаги сульфатлар сони эса унинг акси, яъни Биосолвентдан шўр ювишда фойдаланилганда камайиб кетди, препаратнинг концентрацияси 2 фоиз бўлганда фильтрат билан назорат

вариантга нисбатан 10 фоизга камроқ сульфатлар олиб чиқилди, 10 фоизли концентрацияда эса 50 фоизга кам ювилди. Препарат фильтрат таркибидаги натрий миқдори нисбатан кам таъсир қилиб, назорат вариантга нисбатан деярли фарқ қилмади.

Фильтрат таркибидаги тузларни гипотетик таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, “нордон” препаратлар асосан  $\text{CaSO}_4$  ва  $\text{MgSO}_4$  ларнинг ювилишига таъсир кўрсатди. Фильтратлар таркибида захарли тузлар  $\text{MgSO}_4 > \text{NaCl}_2 > \text{MgCl}_2$ , мавжуд бўлиб, қийин эрийдиган тузлар ичида  $\text{CaSO}_4$  нинг миқдори кўпроқ учрайди. Захарли тузлар ва  $\text{CaSO}_4$  ларнинг миқдори бўйича назорат вариантга нисбатан фильтрат таркибидаги тузлар миқдори Биосолвентдан фойдаланилганда кўпроқ бўлади ва препаратнинг концентрацияси ошгани сари уларнинг миқдори ҳам ошиб боради. Кальций сульфатининг миқдори назорат вариантыда 1,3 г/л дан бошлаб, Биосолвентнинг 10 фоизли концентрациясида 21,5 г/л гача ошиб боради, магний сульфатининг миқдори эса мос равишда 3,4 г/л ва 8,5 г/л ни ташкил этди.


Лаборатория тажрибаларига кўра, Биосолвент препаратининг 10 фоизли концентрацияси ўртача шўрланган тупроқлар учун нисбатан самаралидир. Шунинг учун ушбу препаратнинг концентрациясидан кейинги тажрибаларда дала шароитида Биосолвентдан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш учун фойдаланилди.

Вегетацион Вагнер идишлардаги тадқиқотлар орқали Биосолвентнинг ишқорсизлантириш хоссаси текширилди, бунда тупроққа 1:10 нисбатда сув билан аралаштирилган препарат билан ишлов берилган ва кейинчалик шўр ювиш амалга оширилган. Фильтратларни кимёвий таҳлил қилиш маълумотларига кўра (уларни ҳажмини ҳисобга олиб), вегетацион идишлардаги тупроқлардан ювиб чиқилган  $\text{HCO}_3^-$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  ионларнинг умумий массаси, Биосолвентли вариантда назорат вариантга нисбатан катта, мос равишда 52, 26, 39 ва 15 фоиз бўлди. Бунда ювиб чиқилган тузларнинг асосий қисмини захарли бўлмаган (қийин эрийдиган) бирикмаларни ташкил этди, уларнинг ювиб чиқилган миқдори назорат вариантга нисбатан катта бўлиб:  $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$ - 53 фоизга ва  $\text{CaSO}_4$ - 38 фоизга, захарли тузлар  $\text{MgSO}_4$ -эса 42 фоизни ташкил этди. Дала шароитида шўрланган тупроқни ювишнинг умумлаштирилган натижалари 1 - расм ва 2 - жадвалда келтирилган.

Назорат – чеклар бўйича тупроқ шўрини ювиш ва тажриба вариантлари бўйича чеклардаги тупроқга 1:10 нисбатда аралаштирилган Биосолвент препарати билан ишлов берилганда, сув ҳажми 2000 м<sup>3</sup>/га (препарат сарфи 10 л/га) бўлганда куйидагиларни аниқлаш имконини яратди.

Тупроқнинг шўрини оддий сув билан ювилганда  $\text{HCO}_3^-$  нинг миқдори ошди, Биосолвент билан ювилганда эса камайди (0-30 см қатламда), ёки назорат вариантга нисбатан кичик кўрсаткичларда ошиши мумкин. Натижада, оддий суғориш технологияси таъсирга нисбатан Биосолвентдан фойдаланиш тупроқнинг ишқорийлигини пасайтиради. Хлор иони назорат вариантыда ҳам, Биосолвентдан фойдаланиш вариантыда ҳам яхши ювилди. 0-70 см қатламда назорат вариантыда дастлабки миқдорнинг -17,7 фоиз, Биосолвентли вариантда 59,6 фоиз ювиб чиқарилди, яъни вариантлар орасидаги фарқ -41,9 фоизни

ташкил этди. Бир метрли қатламда ушбу катталиклар мос равишда назоратда дастлабкига нисбатан 5,5 фоизи ва тажрибада эса 42,3 фоиз, фарқи -36,8 фоизни ташкил қилди.



**1-расм. Тупроқнинг шўрини ювишдан олдин чекларга Биосолвент сепганда алоҳида ионларнинг ювилишига самарали таъсири (0-70 см)**

**2-жадвал**

**Ҳақиқий туз ювилиш кўрсаткичи (тупроқни дала шароитида тузсизлантириш маълумотлари бўйича) ва кучли шўрланган тупроқлар шўрини ювиш учун зарурий ҳисобланган шўр ювиш меъёри.**

т/р	Кўрсаткичлар	Вариантлар		Фарқи: Б - Н		Ўзгариши, марта (Б/Н)	
		Назорат (Н)	Биосолвент (Б)	Абс. катталик	фоиз		
1	Куриқ қолдиқ, фоиз	Шўр ювишгача*	0,812	0,842			
		Шўр ювишдан кейин	0,644	0,499			
		Шўр ювишда ювилган	0,168	0,343	0,175	104	2,0 кўп
		Тузларни 0,1 фоиз камайтириш учун сув сарфи	1190	583	607	51	2,0 кам
2	$S_{\text{бош}}/S_{\text{якун}}$	1,26	1,69				
3	Туз ювилиш кўрсаткичи, $\alpha$	<b>1,99</b>	<b>0,88</b>	<b>-1,11</b>	<b>-56</b>	2,3 кам	
4	Кучли шўрланган тупроқлар учун ҳисобланган шўр ювиш меъёри, м <sup>3</sup> /га	8549	5298	-3251	-38	1,6 кам	
5	ЕСе, dS/m	Шўр ювишгача	8,3	8,5			
		Шўр ювишдан кейин	6,0	5,5			
		Ўзгариши	2,3	3,0	0,7	30	1,3 кўп
		Шўрланишни 1 dS/m камайтириш учун сув сарфи	870	667	203	23	1,3 кам
6	$S_{\text{бош}}/S_{\text{якун}}$	1,38	1,55				
7	Туз ювилиш кўрсаткичи, $\alpha$	<b>1,43</b>	<b>1,05</b>	<b>-0,38</b>	<b>-27</b>	1,4 кам	
8	Кучли шўрланган тупроқлар учун ҳисоблаган шўр ювиш меъёр, м <sup>3</sup> /га	7477	5490	-1987	-27	1,4 кам	

Шўр ювиш меъёри 2000 м<sup>3</sup>/га.

\*\*Хлор-сульфат типидagi тупроқлар учун қуруқ қолдиқ бўйича шўрсизланиш ҳисоби билан кучли шўрлангандан (1 фоиз массага нисбатан) шўрланмагангача (0,25 фоиз массага нисбатан).

Биосолвентнинг таъсири 0-70 см қатламда сульфатларнинг ювилишида ҳам сезилди: назоратда 21,8 фоиз, препаратли вариантда эса 35,2 фоизни (фарқи 28 фоиз) ташкил этди. 0-70 см қатламда кальций ионининг ювилиши назорат вариантыда -32,5 фоизни, тажрибада -60,5 фоизни (фарқ -28 фоиз) ташкил қилди. 0-70 см қатламда магний миқдори назорат вариантыда 2,9 фоизга камайган бўлса, тажрибада -74,7 фоизга ошди, ушбу ҳолат шундан далолат берадики, Биосолвент препарати магний ионининг эришини кучайтириб тупроқнинг қаттиқ фазасидан ювилиб чиқиши билан изоҳланади. 0-70 см қатламда натрий ионининг кўпроқ ювилиб чиқиши қайд этилди, яъни назорат вариантыда -36,6 фоиз ювилган бўлса, препаратли вариантда эса -56,3 фоиз (фарқи -19,7 фоиз) ни ташкил этди. Калийнинг ювилишида ҳам худди шундай ҳолат қайд этилди: назоратда 5,5 фоиз, тажрибада 33,9 фоиз (фарқи 28,4 фоиз). Тупроқнинг юқориги 0-30 см қатламида вариантлар орасида ионларнинг ювилиб чиқиш фарқи: хлор-иони бўйича -45,6 фоиз, сульфат бўйича -27,6 фоиз, кальций бўйича -43,8 фоиз, натрий бўйича -21,1 фоиз, калий бўйича -42,6 фоизни ташкил этди. Яъни, ионлар миқдорининг камайиши деярли 0-70 см қатламга тўғри келади, аммо сульфатлар ва кальций бўйича бу миқдорлар мос равишда 14,2 ва 15,8 фоизга юқори. Биосолвент препаратидан шўрни ювиш учун фойдаланилганда назорат вариантыга нисбатан тупроқ таркибидаги озуқа элементларининг миқдори абсолют миқдорларда ва дастлабки миқдорга нисбатан сезилмас даражада камайди: N-NH<sub>4</sub> 2,0 мг/кг (дастлабкига нисбатан 4,2 фоиз) га, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> 1,9 мг/кг (дастлабки миқдорга нисбатан 13 фоиз) га, K<sub>2</sub>O 2,7 мг/кг (дастлабкига нисбатан 2,3 фоиз) га камайди.

Биосолвентни қўллаб шўр ювишда сувни тежашнинг мумкин бўлган қийматларини аниқлаш учун В.Р.Волобуев формуласига мувофиқ тупроқни тузсизлантириш бўйича анъанавий ва Биосолвент билан дала шароитида шўр ювишнинг ҳақиқий маълумотларидан фойдаланиб тупроқнинг туз ювилиши кўрсаткичи аниқланди (2-жадвал).

$$M_{\text{шю}} = 10000 \cdot \alpha \cdot \lg(S_{\text{бош}}/S_{\text{рухс}}) \quad (1)$$

бу ерда,  $M_{\text{шю}}$  – шўр ювиш меъёри, м<sup>3</sup>/га;  $S_{\text{бош}}$  – шўр ювиш зарур бўлган тупроқ қатламидаги тузлар миқдори, тупроқ массасига нисбатан %;  $S_{\text{рухс}}$  – ҳисобланган қатламда рухсат этилган тузлар миқдори, тупроқ массасига нисбатан %;  $\alpha$  – туз ювилиши кўрсаткичи.


Кучли шўрланган тупроқлар учун зарурий шўр ювиш меъёри ушбу формулага асосан ҳисоблаб чиқилган ва туз ювилиши кўрсаткичи тажриба йули билан аниқланди (2-жадвал).

Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, шўр ювиш вақтида Биосолвент препаратини қўллаш анъанавий технологияга нисбатан унинг самарадорлигини оширади ва тузларнинг ювилишини кўчайтириш орқали сувни тежашга имкон беради. Натижада шўр ювиш учун сувнинг умумий истеъмоли камаяди. Анъанавий шўр ювишда шўрланишнинг қуруқ қолдиғини 0,1 фоизга камайтириш учун 1190 м<sup>3</sup>/га сув талаб қилинади, Биосолвентдан фойдаланганда эса 583 м<sup>3</sup>/га сув сарфланади, яъни деярли икки баробарга камаяди. Шўрланишнинг ҳақиқий кўрсаткичлари  $\alpha$  бўйича ҳисобланганда кучли



шўрланган тупроқлар учун шўр ювишнинг нетто сув меъёри 3000 м<sup>3</sup>/га кам (38 фоиз) сарф қилинди.

Эгатлаб суғоришда Биосолвент препаратининг тузлар динамикасига таъсирини ўрганишда, тузларнинг ювилишининг кучайиши қайд этилди. Тадқиқот натижаларига кўра, ғўза далаларидаги шўрланган тупроқ жараёнларини кузатишидан, сизот сувларнинг сатҳи 2,5 м дан кам ва уларнинг минерализацияси 3 г/л атрофида бўлганда, суғоришдан - суғоришгача тупроқ шўрланишининг ортиб бориши кузатилди. Шўрланган тупроқларда ҳосилдорликнинг пасайиб кетишини олдини олиш (тупроқ намлигининг катта бўлмаган осмотик босимини ушлаб туриш) учун уларни тез-тез суғориб туриш лозим. Гектарига 5 литр препаратни дала шароитида ўтказилган 1:10 нисбатда сув билан аралаштирилган препарат эритмаси билан суғоришдан олдин эгат юзасига ишлов бериш тажрибаси шуни кўрсатдики, биринчи суғоришда тузларнинг ишқорсизланиши кучайишининг натижасини 2-расмдан кўришимиз мумкин.



**2-расм. Оддий суғориш ва эгатлар юзасига Биосолвент билан пуркашда тупроқнинг 0-70 см қатламида ионларни ишқорсизланиши (НСО<sub>3</sub> дан ташқари)**

2-расмдан кўринадикки, препарат қўлланган вариантда 0-70 см тупроқ қатламида дастлабки таркибга нисбатан қуйидаги натижалар кузатилган: ECe = 29 фоиз (назоратда – 6 фоиз, фарқи – 23 фоиз); қуруқ қолдиқ -29 фоиз (назоратда – 11 фоиз, фарқи -18 фоиз); Cl – 42 фоиз (назорат бўйича -25 фоиз, фарқ -7 фоиз); Ca<sup>2+</sup> -25 фоиз (назоратда -11 фоиз, фарқ -14 фоиз). Зарурий элемент калий (K<sup>+</sup>) камроқ ювилган: Биосолвент вариантыда 7 фоиз, назоратда эса -27 фоиз (фарқ + 20 фоиз).

Вегетация даврида тупроқ шўрлигини кучли пасайтириш ҳисобига ўсимликнинг илдиз қатламида Биосолвентли вариантда ғўза экини учун нисбатан қулай шароит яратилди. Натижада, “назорат” вариантыда 2017 йилда ғўзанинг биологик ҳосили - 33,4 ц/га ни ташкил этди, Биосолвент варинатда эса - 40,8 ц/га, яъни қўшимча пахтанинг ҳосили - 7,4 ц/га (22 фоиз)ни ташкил этди. Қўшимча олинган ҳосилдан ташқари вегетация охирига келиб, тупроқда кам

миқдорда туз йиғилиши ҳисобига (назорат вариантыга нисбатан) тупроқ шўрини ювишда камида  $1000 \text{ м}^3/\text{га}$  миқдорда (Сирдарё вилоятидаги тупроқларнинг шўрлигини пасайтириш учун ҳар бир  $1 \text{ dS/m}$  га  $1000 \text{ м}^3/\text{га}$  сув зарур бўлиши аниқланди) сув иқтисод қилинади.

Олиб борилган тажриба шуни кўрсатдики, Биосолвентнинг шўрланган тупроқдаги тупроқ намлигининг салбий (осмотик) босимини пасайтириш, экин учун қулай шароитни яратиш ва ҳосилни сақлаб қолиш каби хоссалари мавжуд.

“Бек” кластеридаги тажриба участкасида қийин мелиорацияланадиган (зичланган гипслашган ва айрим жойларда жуда кучли шўрланган) тупроқларни тиклаш учун суғориш ва шўрини ювишда Биосолвент препаратидан фойдаланиб, чуқур ер ҳайдашда  $70 \text{ см}$  қатламда дастлабки чуқур ер ҳайдаш билан биргаликда тупроққа Биосолвент препаратини пуркаш вегетация даврида тупроқдан тузлар ишқорсизланишининг кучайиши аниқланди. Дастлабки шўрланиш даражаси ўртача бўлган тупроқларни бир маротаба суғоришда  $0-70 \text{ см}$  тупроқ қатламидан хлор иони  $45$  фоизгача ювиб чиқарилди, тупроқнинг  $\text{ЕСе}$   $1,4$  маротабага пасайди. Кучли шўрланган тупроқларда ( $\text{ЕСе} > 30 \text{ dS/m}$ ) хлорнинг миқдори  $90$  фоизга камайди, тупроқнинг  $\text{ЕСе}$   $3,9$  маротабага пасайди. Экспериментал тасдиқландики, Ховос туманининг гипслашган тупроқларни чуқур ҳайдашда ҳажмий масса  $24,6$  фоиз ( $1,65$  дан  $1,24 \text{ г/см}^3$  гача) га камайди, натижада, ушбу тупроқларнинг ҳосилдорлигини сезиларли даражада ошириш, уларнинг мелиорациясини муваффақиятли ўтказишнинг дастлабки шароитлари яратилди.

